

ХУКМ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

2025 йил ■■■■■■■■■■ куни жиноят ишлари бўйича Янгийўл шаҳар судининг очик суд мажлиси ўз биносида бўлиб, суд раиси Қ.■■■■■ раислигида, судья ёрдамчиси У.■■■■■ котиблигида, тарафлардан Янгийўл шаҳар прокурорининг ёрдамчиси Ш■■■■■, судланувчи А.■■■■■ ва унинг ҳимоячиси—адвокат Б.■■■■■ иштирокида, ■■■■■■ нисбатан 1-1119-2501 ■■■■■■ сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

■■■■■ фуқароси, маълумот ўрта, оиласидан ажрашган, муқаддам судланмаган, Янгийўл шаҳар, Бахт м.ф.й., Самарқанд кўчаси, 11-уй, 49-хонадонда рўйхатда туриб, Янгийўл шаҳар, Олмос м.ф.й., Гулобод кўчаси 46-уйда яшайди, иш бўйича 2025 йил 24 февралдан қамокда сақланмокда, айблов ҳулосаси нусхасини 2025 йил 31 мартда олган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси ЖК 154-моддасининг 1-қисми ва 276-моддасининг 1-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, тарафларнинг музокара сўзларини эшитиб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишдаги мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

А.■■■■■ 2022 йилнинг сентябрь ойи ўрталаридан 2023 йилнинг март ойи ўрталарига қадар ёлланиш мақсадида Россия Федерациясининг “Хутр Молкина” номли шаҳарчасига бориб, у ерда РФнинг “Вагнер” хусусий ҳарбий компанияси билан шартнома тузиб, уни таркибида жангарилар лагерларида жанговар ўқотар қуроллар бўйича ўқув тайёргарлигидан ўтиб, сўнг у ҳар бир қуролли тўқнашувга кириш учун маълум миқдорда моддий рағбатлантирилишини кўзлаб, Россия Федерациясининг фуқароси ёки ҳарбий хизматчиси бўлмасада, Украина Республикасининг Қуролли Кучларига қарши бир қанча қуролли тўқнашувларда ва ҳарбий ҳаракатларда қатнашиш учун Россия Федерациясининг “Вагнер” хусусий ҳарбий компанияси томонидан ёлланган.

Судга оид тиббий экспертизаси ҳулосасининг 2025 йил 14 февраль кунидаги 155-S-M-сонли ҳулосасига кўра, А.■■■■■ танасида чандиқлар ва операциядан қолган излар топилганлиги, қўш шикаст, кўкрак-



корин соҳаси ўқ-отар жароҳати, ўпка, диафрагма, катта чарви шикасти билан, чап елка юмшоқ тўқималар шикасти билан, 7,10,11 қовурғаларини ёпиқ синиши, бу жароҳатлар ўқ-отар жисм таъсиридан, портлаган граната парчалари таъсиридан келиб чиққанлиги аниқланган.

Судга оид ҳужжатларни техник экспертизаси хулосасининг 2025 йил 04 март кунидаги 57-сонли хулосасига кўра, А. [REDACTED] хонадонидан олинган РФнинг “Вагнер” хусусий ҳарбий компанияси томонидан Украина Республикасининг Куролли Кучларига қарши жанговар ҳаракатлари жараёнида олган тан жароҳатлари юзасидан 3 та варақда тиббий ҳужжатлардаги “направление” номли ҳужжатга босилган муҳр, “выписной эпикриз” номли тиббий ҳужжатга босилган муҳр ва “выписка из истории болезни 10469” номли ҳужжатларга босилган муҳр излари муҳр босиш йўли билан, яъни муҳр клишесини босиш ёрдамида штампел усулида бажарилганлиги аниқланган.

Халқаро ҳуқуқ нормаларига кўра, БМТнинг Бош Ассамблеяси 2465-сонли Резолюциясида ёлланувчилардан фойдаланувчи ва ёлланувчиларнинг ўзлари ҳам жиноятчи ҳисобланади, деб белгилаб қўйилган.

А. [REDACTED] ёлланиш, яъни низолашаётган давлатнинг фуқароси ва ҳарбий хизматчиси ҳисобланмаган, низолашаётган давлат ҳудудида доимий яшамайдиган, ҳеч қандай давлат томонидан куролли кучлар таркибида расмий топшириқни бажариш ваколати берилмаган ҳолда моддий манфаатдорликни ва бошқа манфаатни кўзлаб, Украина Республикаси ҳудудида кўролли тўқнашув ва ҳарбий ҳаракатларда қатнашиш учун ёлланишда ифодаланган жиноий ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси ЖК 154-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни қасддан содир этган.

Бундан ташқари, А. [REDACTED] ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, 2023 йилнинг март ойи ўрталарида РФдан Ўзбекистонга қайтиб келиб, гиёҳвандлик воситалари билан қонунга ҳилоф равишда муомала қилиш мақсадида 2024 йилнинг баҳор ойларида Янгийўл тумани Халқобод маҳалласи ҳудудидаги дала майдонига бориб, у ердан далада қаровсиз ўсиб турган ёввойи наشا ўсимлигини териб, қуришиб, майдалаб, яшаш манзили Янгийўл шаҳар, “Бахт” МФЙ, Самарқанд кўчаси, 11-уй, 49-хонадонинг ётоқхонасида яшил-қора рангли юк халта ичида қора рангли елим халтага ўраб, ўткир ҳидли “наша” гиёҳвандлик моддасини қонунга ҳилоф равишда ўтказиш мақсадини кўзламай, ўзининг истеъмоли учун сақлаб келган.

2025 йил 2 февраль куни Янгийўл шаҳар ИИБ ТҚХ ТҚКГ ходимлари томонидан олиб борилган тезкор тадбир давомида, Янгийўл шаҳар, “Бахт” МФЙ, Самарқанд кўчаси, 11-уй, 49-хонадонда яшовчи, 28.01.1975 йилда туғилган [REDACTED] [REDACTED] [REDACTED] яшаш хонадони ҳолислар иштирокида кўздан кечирилганида, мазкур хонадон ётоқхонасидаги яшил-қора рангли юк халта ичидан, қора рангли елим халтага ўралган яшил рангли, қуруқ ҳолдаги, майдаланган, ўткир ҳидли “наша” гиёҳвандлик моддасига ўхшаш модда мавжудлиги аниқланиб, ушбу нарсалар ҳолислар иштирокида ашёвий далил тариқасида олинган.



Судга оид кимёвий экспертизанинг 2025 йил 13 февраль кундаги 344-сонли хулосасига кўра, А. [REDACTED] хонадонидан олинган қора рангли елим халта ичидаги, яшил рангли модда умумий оғирлиги 9,74 грамм бўлган куруқ, майдаланган ўсимлик моддасидан ташкил топган таркибида фаол гиёҳванд модда тетрагидроканнабинол мавжуд бўлган «марихуана» эканлиги аниқланган.

«Марихуана» Ўзбекистон Республикаси гиёҳванд моддаларни назорат қилиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси гиёҳванд моддалар ноқонуний айланиши ҳақидаги 2018 йил 27 октябрдаги 878-сон қарорининг 2-рўйхатига кўра, Республика ҳудудида муомиласи чекланган гиёҳвандлик воситалари рўйхатига киритилган.

А. [REDACTED] гиёҳвандлик воситаларини ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга ҳилоф равишда тайёрлаш, эгаллаш, сақлашда ифодаланган жиноий хатти-ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси ЖК 276-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни қасддан содир этган.

Судланувчи А. [REDACTED] айбига тўлиқ иқроор бўлиб, , оиласи билан 2011 йилга қадар бирга яшаганлиги, сўнг оилавий сабабларга кўра турмуш ўртоғи билан ажрашиб кетганлигини, кейин ишлаш мақсадида Россия Федерациясининг Красноярский ўлкасига кетганлигини, у ерда РФнинг Енисевский шаҳрида қурилишда ишлаб, кейин 03.06.2015 йилда уйга қайтиб келиб, 2022 йил сентябрь ойи бошларида интернет ижтимоий тармоғида бир эълонга кўзи тушганлигини, у эълонда “Россия ҳудудидаги хусусий ҳарбий ташкилотда ҳарбий хизматчи сифатида ишлаш таклифи” ҳамда 240.000 рубл ойлик маош берилиши ёзилганлигини, ўша эълон пастки қисмида манзили қайд қилинганлигини, шу вақтда у ойлик маош катта эканлигига қизиқиб, автомобилини 3000 АҚШ доллар миқдордаги пулга сотиб, ушбу пулларга РФнинг Сочи шаҳрига кетиш учун билет сотиб олиб 11.09.2022 йил кунини Тошкент халқаро аэропортидан РФнинг Сочи шаҳридаги “Адлер” аэропотига учганлигини, “Адлер” аэропортидан таксига ўтириб, “Хутр Молкина” шаҳри томон бориб, интернет ижтимоий тармоғи орқали олган манзилга етиб борганлигини, ўша манзилда “Вагнер” хусусий ҳарбий компаниясига тегишли ҳарбий база ва полигон жойлашганлигини, у билан 6-бўлим қўмондони лақаби “Стоун” бўлган шахс қабул қилиб суҳбатлашганлигини, унга 4 ойга тузилиши керак бўлган ҳарбий контракт қайт қоғозини берганлиги, қоғозни тўлдириб қабул бўлимида ўтирган ҳарбий ходимга тақдим қилганлигини, сўнг уни тиббиёт ходимлари кўриқдан ўтказишиб, 10 кун давомида ўша ҳарбий базанинг ётоққонасида бўлганлигини, кейин полигонда ҳарбий машғулотлар бошланганлигини, у аъзо бўлган ротада 170 та ҳарбий борлигини, рота номи “Мерганлар” бўлганлигини, ротада ҳамма ҳарбийлар Россия Федерациясини ҳар хил жойидан эканлигини, 20 кун давомида ҳарбий тайёргарлик машғулотлари бўлиб ўтганлигини, машғулотлар тугагач уларга қурол бириктиришганлигини, унга 1989 йилда ишлаб чиқарилган АКМ (автомат Калашников) бириктирилганлигини, шу кунни ўзида бешта катта автобусга уларни Украина давлати Донецк вилояти ҳудудига олиб боришганлигини, уларни ўша ерда эски “ИЭС” (Иссиқлик электр станцияси) ҳудудидаги



бинога жойлаштиришганлигини, ротада уни лақаби “[REDACTED]” бўлганлигини, улар турган жойдаги ҳарбийларни бирин-кетин ротасига қараб бошқа жойларга жўнатишни бошлашганлигини, у 4 ой мобайнида ўша ерда бўлганлигини, тахминан 2023 йил январь ой охирларида ротада 24 та аскар қолишганлигини, уларни бир жойга йиғиб ҳарбий танк устига ўтказишиб, дала томонга йўналтиришганлигини, 03.02.2023 йил куни улар турган ўра тепасига ҳарбий дронлар учиб кела бошлашганлиги, ушбу дронларни ҳарбий қуроллар билан нишонга олиб отишганлигини, шу вақт уни автоматини патрон қайтаргич қурилмага сиқилиб қолган вақтда тепада учиб турган дрондан ҳарбий граната ташлаганлигини, граната парчалари танасига санчилганини, у эмаклуб ўра ичида хавфсизроқ жойга бориб ётганлигини, 7-8 соат совуқда қолиб кетганлигини, сўнг шериклари уни қидириб топишиб замбилга ётқизиб, тиббий ҳарбий автотранспорт ёрдамида “Жанубий ҳарбий округ ФГКУ 1602 ҳарбий клиник госпиталь”га олиб боришганлигини, у ерда танасига санчилиб кирган граната парчаларини олиб ташлаганлигини, 5 кун давомида госпиталда даволаниб ҳарбий самолёт орқали Москва шаҳридаги ҳарбий аэропортга келганлигини, Москва шаҳар, Поперечный мавзеи, 17-уй манзилида жойлашган Россия Қуроллик Кучлари ФГБУ “ТВКГ” га қарашли “Н.Н.Бурденко” номидаги ҳарбий госпитальнинг 5-чи жарроҳлик бўлинмасига олиб боришганлигини, у ерда синган кўкрак кафасидаги суякларни даволашганлигини, ушбу госпитальда 03.02.2023 кунига қадар даволаниб, уни госпитальда ҳарбийлар Темирйўл вокзалига олиб бориб қўйишганлигини, паспортни кўрсатиб Краснодар шаҳрига қатновчи поездга чиқишлигини тушунтиришганлигини, у поездга чиқиб Краснодар шаҳрининг “Горячи ключ” номли жойига борганлиги ва микроавтобусга ўтириб, яна “Хутр Молкина” шаҳрида жойлашган “Вагнер” хусусий ҳарбий компаниясига тегишли ҳарбий базасига қайтиб келганлигини, у базага кириб 6-бўлим кўмондони “Стоун”ни сўраганлигини, ҳарбий базадагилар уни таътилда эканлигини айтишганлигини, базада ҳарбий врачлар кўрикдан ўтказишиб, унга бир оз таътилда бўлиб соғлиқни тикланишини кутиши ҳақида айтишганлигини, сўнггра ҳарбий ҳисобчи унга олти ойлик пулларини ҳисоб китоб қилиб, жами 1.800.000 рубл пулларни берганлигини, унга 45 кун таътилда бўлиб қайтиб келишини айтишганлигини, шунингдек “Вагнер” ҳарбий компанияси томонидан унга “Мардлик” ордери беришларини айтиб ўтганлигини, лекин ушбу ордер унга керак эмаслигини айтиб, уни рад қилганлигини, Сочи шаҳридаги “Адлер” номли аэропортга бориб, 14.03.2023 йил куни Тошкент шаҳрига учиб келиб, Янгийўлга қайтиб келиб, акасини уйига кўчиб келиб, ушбу хонадонда яшаб келганлигини, 2025 йил 11 февраль куни у яшаб келаётган уйга Янгийўл шаҳар ИИБ ходимлари келишиб, у турган хонани ҳолислар иштирокида кўздан кечиришганлигини, хонадаги унга тегишли бўлган қора-яшил ранги ҳарбий халта (рюгзак) ни ичида ҳарбий жанглار вақтида олган жароҳати юзасидан госпитальда ётганлиги ҳужжатларни, бундан ташқари бир-бирда чекиб туриш учун Халқободдаги даладан олган қора елим салафандаги нашани аниқлашиб ашёвий далил сифатида ҳужжат расмийлаштириб ҳолислар иштирокида



олишганлигини, қилмишидан пушаймонлигини, суддан енгиллик бериш ҳақида кўрсатув берди.

Судда гувоҳ И. [REDACTED] 2025 йилнинг 11 февраль куни соат тахминан 06:10 ларда ўз иш жойига пиёда кетаётган вақтида Янгийўл шаҳар ИИБ ходимлари келишиб, бир ишда ҳолис сифатида иштирок этишини сўрашганлигини, у вақти бемалол бўлганлиги учун улар таклиф қилган ишда ҳолис сифатида қатнашишга рози бўлганлигини, бу ишда бошқа бир шахс [REDACTED] [REDACTED] [REDACTED] ҳам ҳолис сифатида иштирок этишга рози бўлганлигини, кейин ходимлар уларга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 74-моддаси яъни ҳолиснинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари борлиги ва ушбу ҳуқуқ ва мажбуриятларни тушунтириб ўтишганлигини, сўнг ИИБ ходимлари Янгийўл шаҳар, “Бахт” м.ф.й, Самарқанд кўчаси, 11-уй, 49-хонадонда яшовчи, А. [REDACTED] яшаш хонадонини кўздан кечиришларини маълум қилиб, улар ва А. [REDACTED] иштирокида унинг яшаш хонадонини кирилганлигини, А. [REDACTED] ётадиган ётоқхонасидаги яшил-қора рангли юк халта ичидан, қора рангли елим халтага ўралган яшил рангли, қуруқ ҳолдаги, майдаланган, ўткир хидли “наша” гиёҳвандлик моддасига ўхшаш ўсимликлар мавжудлиги ҳамда 5-6 та оқ қозоғда қандайдир тиббий ҳужжатлар ҳам борлиги ва 1 донa телефон аппарати аниқланиб, ушбу нарсалар уларнинг иштирокида ашёвий далил тариқасида олинганлигини, А. [REDACTED] тиббий ҳужжатлар кимга тегишли эканлиги ва нима ҳақидалиги сўралганида, у 11.09.2022 йилда моддий манфаатдорлик ва бошқа шахсий манфаатни кўзлаб, ўзга давлат ҳудудида ҳарбий ҳаракатларда қатнашиш мақсадида Россия Федерациясини Сочи шаҳрига бориб, у ерда Россия Федерациясининг “Вагнер” хусусий ҳарбий компанияси томонидан ёлланиб, шартнома тузиб, Украина Республикаси ҳудудида махсус ҳарбий операция ва қуролли тўқнашувларда РФ томонидан иштирок этиб келганлигини айтиб ўтганлигини ҳақида кўрсатув берди.

Судда гувоҳ А. [REDACTED], гувоҳ И. [REDACTED] кўрсатувиға ўхшаш кўрсатув берди.

Судда гувоҳ Б. [REDACTED], судланувчи А. [REDACTED] укаси эканлигини, у тахминан 2011 йилда турмуш ўртоғи билан ажрашиб кетганлигини, у оиласи билан ажрашганидан кейин бир неча маротаба Россия Федерациясига ишлаш учун бориб келиб юрганлигини, у 2015 йилда “Нексия” русумли автомобилни сотиб олиб, шу автомобилда ётиб, яшаб юрганлиги, кира ишлари билан 2022 йил сентябрь ойига қадар шуғулланиб, кейин автомобилни сотиб РФга ишлаш учун кетаётганлигини айтиб ўтганлигини, сўнг анча вақт укаси билан хабарлаша олмаганлигини, сабаби у РФда ишлашга кетганидан кейин умуман уларга алоқага чиқмаганлигини, у қарнидошлари билан уни танишларидан бир неча маротаба суриштирганлиги, лекин уни топа олмаганлигини, тахминан 2023 йилни бошида укаси [REDACTED] опчасига алоқага чиқиб, Ўзбекистонга қайтиб келатёганлигини маълум қилганлигини, сўнг тахминан март ойларида укаси Янгийўлга қайтиб келиб, уни уйига келиб яшашни бошлаганлигини, 2025 йил 11 февраль куни яшаш хонадонига Янгийўл шаҳар ИИБ ходимлари келишди ва ўзларини таништиришиб, укаси яшаб келаётган хонани текширишларини айтиб ўтиб, ҳолислар иштирокида укасини хонасини кўздан



кечиришганлигини, кўздан кечириш давомида хонадаги укасига тегишли бўлган қора-яшил ранги ҳарбий халтани кўришганида, ичида ҳарбий тўқнашув вақтида олган жароҳати юзасидан госпиталда ётганлиги ҳақидаги ҳужжатларни, қора елим салафандаги нашани аниқлашиб ашёвий далил сифатида ҳужжат расмийлаштириб олишганлигини, укаси 2022 йилда РФга ишлаш учун кетиб, ўзга давлат ҳудудида ҳарбий ҳаракатларда қатнашиш мақсадида Россия Федерациясини Сочи шаҳрига бориб, у ерда Россия Федерациясининг “Вагнер” хусусий ҳарбий компанияси томонидан ёлланиб, шартнома тузиб, Украина Республикаси ҳудудида махсус ҳарбий операция ва қуролли тўқнашувларда РФ томонидан иштирок этиб келаётганлиги аниқланганлигини, унга нисбатан жиноят иши қўзғатилганлигидан хабар топганлигини, лекин шу кунга қадар укасини бу ишларидан умуман хабари бўлмаганлигини, ҳозирда у укасини қилган нотўғри ишларидан чин қўнгилдан пушаймондалиги, укаси ҳам бу ишларидан чин қўнгилдан пушаймондалигини, унга нисбатан қонуний енгиллик берилишини сўраб кўрсатув берди.

Судда гувоҳ А. [REDACTED], Янгийўл шаҳар ИИБда тезкор катта вакил лавозимида хизмат қилишини, уни хизмат вазифаларига жиноятчиликка қарши курашиш, уни фош этиш, терроризм, экстремизм йўналишидаги жиноятларни аниқлаш, уларни олдини олиш, ўз вақтида фош этиш ва ушбу йўналишга тушиб қолмаслиги учун тарғиботлар олиб бориш ва бошқа шу кабилар киришини, 2025 йил 11 февраль куни Янгийўл шаҳар ИИБ ТҚХ ТҚКГ ходимлари томонидан “Чет эл ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларига ёлланиб, жанговор ҳаракатларда иштирок этиб келаётган шахсларни аниқлаш бўйича” ўтказилган мониторинг ишлари давомида, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, Янгийўл шаҳар, “Бахт” м.ф.й., Самарқанд кўчаси, 11уй, 49-хонадонда яшовчи 1975 йил 28 январда туғилган [REDACTED] [REDACTED], 2022 йил 11 сентябрда ўзга давлат ҳудудида ҳарбий ҳаракатларда қатнашиш мақсадида Россия Федерациясини Сочи шаҳрига бориб, у ерда Россия Федерациясининг “Вагнер” хусусий ҳарбий компанияси томонидан ёлланиб, шартнома тузиб, Украина Республикаси ҳудудида махсус ҳарбий операция ва қуролли тўқнашувларда РФ томонидан иштирок этиб келаётганлиги аниқланганлигини, терговга қадар текширув ҳаракатлари давомида, А. [REDACTED] яшаш хонадонидан жанговар ҳаракатлари жараёнида олган тан жароҳатлари юзасидан тиббий ҳужжатлар ҳолислар иштирокида ашёвий далил тариқасида олинганлигини, бундан ташқари, А. [REDACTED] яшаш хонадони ҳолислар иштирокида кўздан кечирилганида, мазкур хонадон ётоқхонасидаги яшил-қора рангли юк халта ичидан, қора рангли елим халтага ўралган яшил рангли, қуруқ ҳолдаги, майдаланган, ўткир хидли “наша” гиёҳвандлик моддасига ўхшаш ўсимликлар мавжудлиги аниқланиб, ушбу нарсалар ҳолислар иштирокида ашёвий далил тариқасида олинганлигини, сўнг юқоридаги барча ҳолатлар юзасидан баённома тузилиб, иштирокчиларга овоз чиқарилиб, ўқиб эшиттирилганлиги, томонлардан қўшимчалар, фикир-мулоҳазалар, эътирозлар, илтимослар ҳамда шикоятлар тушмаганлигини, сўнг тўпланган ҳужжатлар жиноят иши қўзғатиш



масаласини ҳал этиш учун вилоят Тергов бошқармасига юборилганлиги ҳақида кўрсатув берди.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган А. [REDACTED] содир этган ҳаракатлари ёлланиш, яъни низолашаётган давлатнинг фуқароси ва ҳарбий хизматчиси ҳисобланмаган, низолашаётган давлат ҳудудида доимий яшамайдиган, ҳеч қандай давлат томонидан қуролли кучлар таркибида расмий топшириқни бажариш ваколати берилмаган ҳолда моддий манфаатдорликни ва бошқа манфаатни кўзлаб, Украина Республикаси ҳудудида кўролли тўқнашув ва ҳарбий ҳаракатларда қатнашиш учун ёлланишда ҳамда гиёвандлик моддасини қонунга ҳилоф равишда ўтказиш мақсадини кўзламай сақлаб келганликда ифодаланган жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 154-моддасининг 1-қисми ва ЖК 276-моддасининг 1-қисми билан тўғри малакаланган деб топади.

Судланувчи А. [REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖК 154-моддасининг 1-қисми ва ЖК 276-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятларни содир этганликдаги айби ўзининг иқрорлигидан ташқари, судда сўроқ қилинган гувоҳларнинг ҳамда иш бўйича йиғилган қуйидаги: судга оид ҳужжатларни техник экспертизасининг 2025 йил 4 март кундаги 57-сонли хулосасига кўра, А. [REDACTED] хонадонидан олинган РФнинг “Вагнер” хусусий ҳарбий компанияси томонидан Украина Республикасининг Қуролли Кучларига қарши жанговар ҳаракатлари жараёнида олган тан жароҳатлари юзасидан 3 та варақда тиббий ҳужжатлардаги “направление” номли ҳужжатга босилган муҳр, “выписной эпикриз” номли ҳужжатга босилган муҳр ва “выписка из истории болезни 10469” номли ҳужжатларга босилган муҳр излари муҳр босиш йўли билан, яъни муҳр клишесини босиш ёрдамида штампел усулида бажарилганлиги аниқланганлиги; Судга оид кимёвий экспертизанинг 2025 йил 13 февраль кундаги 344-сонли хулосасига кўра, А. [REDACTED] хонадонидан олинган қора рангли елим халта ичидаги, яшил рангли модда умумий оғирлиги 9,74 грамм бўлган қуруқ, майдаланган ўсимлик моддасидан ташкил топган таркибида фаол гиёҳванд модда тетрагидроканнабинол мавжуд бўлган «марихуана» эканлиги аниқланганлиги; А. [REDACTED] кўрсатмаларини ҳодиса содир бўлган жойда текшириш тергов баённомаси ва фото жадвали; судга оид тиббий экспертизасининг 2025 йил 14 февраль кундаги 155-S-M-сонли хулосасига кўра, А. [REDACTED] танасида чандиқлар ва операциядан қолган излар топилганлиги, қўш шикаст, кўкрак-қорин соҳаси ўқ-отар жароҳати, ўпка, диафрагма, катта чарви шикасти билан, чап елка юмшоқ тўқималар шикасти, 7,10,11 қовурғаларини ёпиқ синиши, бу жароҳатлар ўқ-отар жисм таъсиридан, портлаган граната парчалари таъсиридан келиб чиққанлиги аниқланганлиги; нарсани ва ҳужжатларни ашёвий далил деб эътироф этиш қарори иш бўйича гувоҳларни кўрсатмалари ва бошқа тўпланган ҳужжатлар билан ҳам тўлиқ ўз тасдиғини топган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 2006 йил 3 февралдаги 1-сонли қарорининг 3-бандида жазо адолатли бўлиши ҳар бир ҳолатда



индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларига мувофиқ бўлиши кераклиги, 4-бандида қонун тайинланадиган жазо тури ва меъёрини айбдорнинг шахсини тавсифловчи объектив ва ижтимоий омиллар билан боғлиқ қилиб қўйганлиги туфайли судлар жиноят ишларини кўриб чиқиш пайтида мазкур ҳолатларни аниқлашлари шартлиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасида, давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2023 йил 23 июндаги “Одил судловни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормаларини тўғридан-тўғри қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 17-сонли қарорининг 6-бандида, судлар Конституциясининг 20-моддаси талабларидан келиб чиқиб, шахсга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклигини инобатга олинишини, бунда ҳуқуқбузарлик содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилona бўлиши, яъни ҳуқуқбузарликнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги тўғрисида раҳбарий тушунтириш берган.

Юқорида қайд этилган Пленуми қарорларининг тушунтиришларига риоя қилиб ва иш ҳолатларидан келиб чиқиб, суд судланувчи А. [REDACTED] жазо тури ва миқдорини белгилашда, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида айбига тўлиқ иқрорлиги, қилмишидан пушаймонлиги, муқаддам судланмаганлиги, ЖКнинг 56-моддасида назарда тутилган жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар йўқ деб топиб, ЖК 154-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазоси, ЖК 276-моддасининг 1-қисми билан озодликни чеклаш жазоси, ЖК 59,61-моддалари тартибида тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил ўташ учун озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни лозим топади.

Суд, иш бўйича далилий ашё тариқасида олинган ва Ўзбекистон Республикаси ДХХнинг МСБ бошқармасида сақланаётган умумий вазни 9,24 грамм бўлган “марихуана” гиёҳвандлик воситаси тегишли тартибда йўқ қилишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 454-457, 463, 465-468, 471-473-моддаларига риоя қилиб, суд

Х У К М Қ И Л Д И:



Ўзбекистон Республикаси ЖК 154-моддасининг 1-қисми ва ЖК 276-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбли деб топилсин.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 154-моддасининг 1-қисми билан 5 (беш) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси, ЖК 276-моддасининг 1-қисми билан ишлаш ёки ўқиш вақтидан, шунингдек иш ёки ўқиш жойигача бориши ва уй-жойига қайтиши учун зарур бўлган вақтдан ташқари, яшаш жойидан батамом чиқиш чекланган ҳолда 1 (бир) йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 59,61-моддалари тартибида тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил ўташ учун 5 (беш) йил 1 (бир) ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазони умумий тартибли колонияда ўташи белгилансин.

Жазони ўташ муддати 2025 йил 24 февралдан бошлаб ҳисоблансин.

нисбатан қўлланилган “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси аслича қолдирилсин.

Далилий ашё тариқасида олинган ва Ўзбекистон Республикаси ДХХнинг МСБ бошқармасида сақланаётган умумий вазни 9,24 грамм бўлган “марихуана” гиёҳвандлик воситаси тегишли тартибда йўқ қилинсин.

Ҳукм устидан тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан ўн сутка ичида, маҳкум томонидан эса унга ҳукм нусхаси топширилган кундан бошлаб, ушбу муддат ичида шу суд орқали Тошкент вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят берилиши ва протест билдирилиши ёки ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг кассация тартибида шикоят берилиши ва протест билдирилиши мумкин.

Раислик қилувчи: (имзо)

Аслига тўғри:

